

Uzbek Zabur - WP Praying Psalms

- Ёзилган - Zabur 67:2 Қўзғалсин Худо, тарқалиб кетсин душманлари, Олдидан қочиб кетсин Ундан нафратланганлар.
- Ёзилган - Zabur 5:10,11 Душманларим оғзидан ҳақиқат чиқмайди, Уларнинг юраклари бало—офатдир.
- Оғизлари очилган қабр кабидир, Тиллари хушомад қилади. 11 Эй Худо, улар гуноҳқордир, жазолагин! Ниятлари ўзларининг бошига етсин. Улар Сенга қарши исён қилганлар. Гуноҳлари кўплиги учун уларни ҳайдаб юборгин.
- Ёзилган - Zabur 10:6 Қабиҳнинг устига чўғ, олтингугурт ёғдиради, Уларга улуш қилиб гармселни беради.
- Ёзилган - Zabur 17:15 Ўқларини отди, Чақмоқ чақтириб, ёвларини тирқиратди, Уларни саросимага солди.
- Ёзилган - Zabur 17:18 Мени кучли ғанимларим қўлидан, Мендан нафратланган ёвларимдан қутқарди, Улар мендан кучли эдилар.
- Ёзилган - Zabur 17:40 Сен менга қувват бериб, жангга юбординг, Менга қарши отланган ёвни олдимда бош эгдирдинг.
- Ёзилган - Zabur 17:46 Ёт эллар ҳолсизланиб йиқилди, Қалтираб манзилидан чиқиб қочди.
- Ёзилган - Zabur 26:11 Йўлингни менга кўрсат, эй Эгам, Душманларим пойлаб тургани учун Мени тўғри сўқмоқларингдан етакла.
- Ёзилган - Zabur 34:1-8 Эй Эгам, менга қарши чиққанларга Ўзинг қарши бўл. Менга ҳужум қилганлар билан Ўзинг жанг қил. 2 Қалқону совутингни ол, Қани, менга ёрдамга кел. 3 Мени таъқиб қилганларга қарши Найзаю болтангни олгин. “Сенга нажот бераман”, деб Ўзинг менга ваъда бергин. 4 Менинг жонимга қасд қилганлар Шармандаю шармисор бўлсин! Менга қарши фитна қилаётганлар Уятга қолиб, орқага қайтсин! 5 Худди шамолда учган сомон сингари, Эй Эгам, Сенинг фариштанг уларни қувсин. 6 Қоронғу сирпанчиқ бўлсин уларнинг йўли, Эй Эгам, Сенинг фариштанг уларни қувсин. 7 Сабабсиз менга тузоқ қўйдилар, Мени тутиб олиб ўлдирмоқ учун Сабабсиз менга чуқур қазидилар. 8 Тўсатдан уларнинг бошига ҳалокат келсин, Қўйган тузоғига ўзлари ўралиб қолсин,

- Қазиган чуқурга ўзлари йиқилиб, битсин.
- Ёзилган - Zabur 51:7 Худо эса сени то абад вайрон қилади, Сени ушлаб, чодирингдан тортиб чиқаради, Тириклар юртидан йўқ қилиб ташлайди.
- Ёзилган - Zabur 59:14 Эй Худо, Сен билан биз ғолиб бўламиз, Душманларимизни Сен янчиб ташлайсан.
- Ёзилган - Zabur 65:3 Худога айтинглари: “Сенинг ишларинг нақадар ғаройиб! Қудратинг буюклигидан Душманларинг олдинда ғужанак бўлади.
- Ёзилган - Zabur 67:36 Худо кўрқинчлидир Ўзининг Муқаддас масканида, Исроил халқининг Худоси куч–қудрат берар Ўз халқига. Худога олқишлар бўлсин!
- Ёзилган - Zabur 69:1,2 Ижрочилар раҳбарига. Бизни Эгамизнинг ёдига солиш учун айтилган. Довуд саноси. 2 Эй Худо, нажот бер менга, Келгин тезда, эй Эгам, мадад бер менга.
- Ёзилган - Zabur 70:13 Мени айбловчилар шармандалиқдан ерга кириб кетсин, Менга зарар етказмоқчи бўлганлар Масхара бўлсин, бадном бўлсин.
- Ёзилган - Zabur 75:13 Худо такаббур шаҳзодаларни бўйсундириб олади, Ер юзи шоҳларини кўрқувга солади.
- Ёзилган - Zabur 117:10 Душман халқлар ўраб олган атрофимни, Эгамнинг қудрати билан уларни улоқтирдим.
- Ёзилган - Zabur 117:12 Атрофимни арилардай ўраб олдилар, Тикан алангасидай лов этдилар–да, ўчдилар, Эгамнинг қудрати билан уларни улоқтирдим.
- Ёзилган - Zabur 149:8,9 Уларнинг шоҳларини занжирбанд қилсин, Аслзодаларига темир кишанлар солсин. 9 Улар устидан Худонинг ҳукмини ижро этсин, Тақводорлари учун шараф шудир. Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!

Pastor T. John Franklin
Church of Salvation, Healing, and Deliverance
COS-HAD.org